



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕСУРС БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Саримов Шахбозали Соатали ўғли
Тошкент молия институти таянч докторантни*

Мустақиллик йиллари республикамизда икки погонали мукаммал банк тизими шаклланди ва ривожланмоқда, банкларнинг хизмат турлари ҳамда сифатида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда, чет эл банклари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди ва такомиллашиб бормоқда. Бироқ мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида банклар ресурслардан самарали фойдаланиши ҳамда депозитларнинг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ айрим масалалар долзарблигича қолмоқда.

Мамлакатимиз банк-молия тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг пиравард мақсади ҳам республикамиз тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлашга, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга қаратилган.

Банклар жалб қиласиган маблағлар таркиби: банк мижозлар билан ишлаш жараёнида жалб қилган маблағлар (депозитлар), ўз қарз мажбуриятларини чиқариш йўли билан маблағларни тўплаш (депозит ва жамғарма сертификатларини, векселлар, облигациялар) ва банклараро кредит воситасида бошқа кредит ташкилотларидан олинадиган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олинадиган ссуда маблағлари ва бошқалар киради. Халқаро банк амалиётида жалб қилинган ресурслар уларни йиғиш усулига қараб қуидаги гурухларга бўлинади:

- депозитлар;
- нодепозит ресурслар.

Жалб қилинган маблағларни асосий қисмини депозитлар ташкил қиласи. Банкларда мақсадларни амалга ошириш учун пул маблағларини қўйилмаларга жалб қилиш операциялари депозит операциялари дейилади.

Депозитлар фақатгина омонатчига эмас, шу билан бирга банка ҳам манфаатлидир. Депозитлар омонатчилар томонидан қўйилган ёки операциялар жараёнида банк ҳисобварағида маълум вақитгача сақланадиган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади. Халқаро банк амалиётида депозитлар дейилганда молия-кредит ёки банк муассасаларига сақлаш учун берилган



қимматли қоғозлар ёки пул маблағлари тушунилади. Күпгина депозитлар орқали банкнинг ссуда капитали шаклланади, кейинчалик эса банк турли хўжалик соҳаларини қулай шартлар асосида кредитлайди. Депозит ва кредит фоизлари орасидаги фарқ бўш пул маблағларини жалб қилиш ва ссуда капиталини жойлаштириш борасидаги банк маржаси (мукофоти) бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банкларининг иқтисодиётдаги бўш пул маблағларни етарли даражада жалб этиши ва ушбу маблағларни самарали жойлаштиришни бошқариш ҳозирги қунда уларнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг тобора чукурлашуви ва иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши натижасида тижорат банклари ўртасида молиявий ресурсларга бўлган талабнинг янада кучайганлигидандир. Натижада, банкларнинг арzon ва муддати жиҳатдан “узун” маблағларга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши ушбу маблағларни шакллантириш ва уларни самарали бошқариш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Мазкур ҳолат мамлакат миқёсида мавжуд бўлган вақтинча бўш пул маблағларни банклар ўртасида “тақсимлаш”да ва молия бозоридан кўшимча ресурсларни жалб этишда банклар ўртасидаги эркин рақобатни кучайишига ижобий самара кўрсатмоқда.

Халқаро банк амалиётидан ҳамда қисқа даврдаги бозор муносабатлари шароитида орттирилган банк тажрибасидан маълумки, тижорат банкларининг асосий ресурс базаси уларнинг депозитли ресурслари ҳисобидан шакллантирилади.

1-жадвал.

Тижорат банкларидаги депозитлар қолдиғи¹, млрд сўм

Сана	Жами	шу жумладан:		
		талаб қилиб олингунча	жамғарма	муддатли
01.01.2020 й.				
01.01.2021 й.				
01.01.2022 й.				
01.01.2023 й.				

¹ <https://cbu.uz/oz/statistics/>




01.01.2024 й.				
---------------	--	--	--	--

Мамлакатимиз банк тизими ресурсларини шаклланишида банкларнинг депозит операциялари алоҳида ўрин тутади. Шу жиҳатдан, банкларнинг депозит операциялари ривожланиб бориши, уларнинг ресурс базаси мустаҳкамланишига хизмат қиласи. Охириги беш йилда банкларнинг депозитлари ҳажми 2,6 марта ошди, яъни 2020 йилда 91 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 241,7 трлн сўмга етган.

Талаб қилиб олингунча депозитлар банклар учун арzon ресурс манбаси хисоблансада, лекин улар муддати жиҳатидан барқарор эмас. 2021 йилда муддатли депозитларнинг улуши 47 фоиз, 2022 йилда эса 44,3 фоизни ташкил этган. 2023 йилга келиб 45,5 фоизга ошган ва 100,7 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 10 фоиз бандга пасайиб, жамига нисбатан улуши 36,4 фоизни ташкил этиб, 88 трлн сўмдан иборат бўлган. Мазкур пасайишнинг асосий сабаби сифатида муддатли депозитларнинг 30 трлн сўмга ошиши хисобланади.

Жамғарма депозитларининг улуши эса ўртача 10 фоизни ташкил этган.



1-расм. Мамлакат тижорат банклари депозит қолдигининг таркиби², 2024 йил бошига, фоизда

² <https://cbu.uz/oz/statistics/>



Расм маълумотларидан кўринадики, 2020 йилда талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши 44 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб унинг улуши 36 фоизга қадар пасайган. Ушбу даврда муддатли депозитларнинг улуши эса 46 фоиздан 54 фоизгача ошган.

Охирги йилларда тижорат банклари ўз депозит сиёсатларини анча такомиллаштирган, соф рақобат шароитида талаб ва таклифдан келиб чиқсан ҳолда шакллантироқда, деган хулоса қилиш мумкин.

Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимиға бўлган ишончнинг ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётганлиги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, аҳоли маблағларини жалб қилишнинг замонавий усулларининг такомиллашувининг бирламчи шарти – бу банклар ўртасида соғлом рақобат муҳитини юзага келтирилишидир. Чунки амалдаги тижорат банкларига хос анъанавий, бир хил турдаги хизматлар кўрсатиш шароитида рағбатлантирувчи усулларнинг банк тизимида қўлланиши қўшимча мижозлар жалб қилишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бугунги кунда банк тизимида аҳоли омонатларини муҳофаза қилиш механизмларини жиддий ислоҳ қилиш заруратини вужудга келтирадиган бир қанча сабаблар пайдо бўлди.

Бугунги кунда республикамиз тижорат банклари депозитларининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммоларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Банкларнинг хусусиятли томонларидан бири шуки, банклар ўз маблағлари ҳисобига эмас, балки қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағлар ҳисобига ўз фаолиятларини ташкил қиласидилар. Шу жиҳатдан олиб қараганда, банклар депозитларининг барқарорлигини таъминлаш учун банкларнинг жалб қилинган маблағлари устидан доимий назорат йўлга қўйилмаган.

2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жамғарма депозитлари микдорини ошириш орқали уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга етарлича эътибор қаратилмаган.

3. Банк фаолиятидаги рискларни ва ликвидликнинг мувозанатлашмаганлигини аниқлаш ҳамда ўзгаришларга таъсир қилувчи омиллар таҳлилини ҳар кунлик назорат қилиш учун маҳсус тизимнинг мавжуд



эмаслиги.

4. Тижорат банклари депозитларининг барқарорлиги бевосита банкнинг депозит сиёсатига боғлиқ. Депозит сиёсатини юритиш элементларининг асоси бўлган банк сиёсати ресурсларни жалб қилишга асосланган тарзда, банкнинг актив ва пассивларини кўп қиррали нархланишни ва рационал тақсимлашни амалга ошириш чора-тадбирлари аниқ ишлаб чиқилмаган.

5. Тижорат банкининг фоиз сиёсатини олиб борища барча ресурсларнинг қиймати ва депозит операцияларининг таҳлили мунтазам амалга оширилмайди.

6. Депозитларнинг барқарорлигини таъминлашда жалб қилинган маблағларнинг муддатлари ва фоиз ставкаларининг ўзаро номутаносиб эканлиги.

7. Республикамиз тижорат банкларида депозитлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган стратегияни ишлаб чиқиш зарур.

Фикримизча, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммо ва камчиликларнинг бартараф қилиниши истиқболда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласди. Чунки, ушбу чора-тадбирлар муҳим ижтимоий-иктисодий масалалардан бири ҳисобланиб, мамлакатимиз тижорат банклари ресурслари ҳажмини ошириш ва барқарорлигини таминалаш доирасида қатор имкониятлар яратади. Улардан самарали фойдаланиш эса банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш билан бир қаторда, банк тизимиға нисбатан аҳолининг ишончини мустаҳкамлашга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, Республикамизда банк тизимининг ҳар томонлама тарақкий этиши, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иктисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алексеева, Д. Г. Банковский вклад и банковский счет. Расчеты: учебное пособие для среднего профессионального образования / Д. Г. Алексеева, С. В. Пыхтин, Р. З. Загиров; ответственный редактор Д. Г. Алексеева, С. В. Пыхтин. – Москва: Издательство Юрайт, 2020. – 243 с.
2. Банки и банковские операции: учебник и практикум для вузов / В. В. Иванов [и др.] ; под редакцией Б. И. Соколова. – Москва: Издательство Юрайт, 2021. – 189 с.
3. Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности



коммерческого банка, 2005 г.

4. Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Л.П. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник. – М.:Издательство Юрайт, ИД Юрайт, 2010. – 422с.

5. Kubaevich, K. F., Abdullayevna, Q. Z., Axmadjanovna, S. G., & Makhmudovna, K. R. (2020). The modern state of crediting practices of commercial banks of the republic of Uzbekistan. *Journal of Critical Reviews*, 7(7), 387-390.

6. Chartayev Asqar, & Xolmamatov Farhod. (2022). THE PROFITABILITY INDICATORS OF COMMERCIAL BANKS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THEIR MODERN STATE. *World Economics and Finance Bulletin*, 8, 141-148. Retrieved from <https://www.scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/710>

7. Kholmamatov, F. (2023). The Importance and Role of Bank Capital in Ensuring the Stability of the Banking System. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10825377>

8. Kubayevich, K. F. . (2024). Current Analysis and Current Issues of Ensuring the Financial Stability of the Banking System in Uzbekistan. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 4(3), 169–176. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/2681>

9. Xolmamatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo'llari. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 1(9). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/953>

10. Xolmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta'minlashda bank zaxiralaridan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 1(8). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/952>

11. www.cbu.uz- Official website of the Central Bank of Uzbekistan